

ИЖТИМОЙ КОМПОНЕНТ СЕМАНТИК КАТЕГОРИЯ СИФАТИДА

Мирзажонна Латофат Убайдиллаевна

ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти

E-mail: mirzajonvalatofatxon06@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада замонавий лингвистика ва лингвистик прагматиканинг тилдаги ижтимоий ва мафкуравий омиллар муаммоларига боғлиқлиги ёритилади. Ўзбек тилида қўлланадиган айрим феъллар социал семантик жиҳатдан таҳлил этилади.

Калит сўзлар: ижтимоий компонент, семантика, лексема, коннотация, социолингвистика.

SOCIAL COMPONENT AS A SEMANTIC CATEGORY

ABSTRACT

This article highlights the relevance of modern linguistics and linguistic pragmatics to the problems of social and ideological factors in language. Some verbs used in the Uzbek language are analyzed from a socio-semantic point of view.

Key words: social component, semantics, lexeme, connotation, sociolinguistics.

Тил бирликлари маъносида ижтимоий компонентни фаол ўрганиш XX асрнинг 80-90 йилларида бошланган. Лингвистикада семантиканинг прагматик жиҳатларига қизиқиш Ю.Д.Апресян ва Л.П.Крысин, И.Е.Ким (Москва семантик мактаби) ва бошқа тадқиқотчиларнинг ишларида кузатилади.

Ижтимоий компонент лисоний ифодаланишнинг бир қисми сифатида В.И.Карасикнинг “Язык социального статуса” номли китобида

социолингвистик, прагмалингвистик ҳамда лингвосемантик жиҳатдан батафсил таҳлил қилинган. Муаллиф “ижтимоий компонент” терминининг мазмун-моҳиятини мулоқот иштирокчилари ўртасида тенгсизлик муносабатини ташкил қилган семантик категория сифатида белгилайди [1:279]. В.И.Карасик ижтимоий компонент белгиларини баҳолаш ва модаллик белгилари билан бир қаторга қуйиб, инсон ижтимоий мавқеи белгиларининг йиғиндиси лексик семантика даражасида ягона белги сифатида қараш зарур ҳамда у маънонинг ҳам ядро қисмида, ҳам перифериясида жойлашиши, контекстул тарзда кучайтирилган ёки нейтрал бўлиши мумкин деб ҳисоблайди [1:281].

Сўз маъноси тузилмасида ижтимоий компонент муносабатларининг ўрнини чуқур тадқиқ қилиш масалалари Л.П.Крисин асарларида ҳам кўриб чиқилган. Олим ассиметрик ролли муносабатларни билдирувчи сўзларни таҳлил қилиш жараёнида уларни икки гуруҳга бўлади: сўзлар субъект роли адресат ролидан юқори бўлган (ҳибсга олмоқ, бошқармоқ, танбеҳ бермоқ) ҳамда семантик субъектнинг ижтимоий мавқеи адресат мавқеидан пастроқ бўлган (шикоят қилмоқ, бўйсинмоқ) ҳолатларни англатувчи сўзлар [3:96].

Демак, ижтимоий йўналтирилган тил бирликлари семантик тузилмаси камида иккита актантни, яъни субъект ва адресатни қамраб олади. Бу ҳақда Н.В.Ковязина шундай таъкидлайди, иерархия маънолари феълда маълум шароитларда пайдо бўлади, хусусан, билдирилаётган воқеада бир иштирокчидан кўпроқ инсон бўлиши керак [2:14].

Жамият ва тил ўзаро боғлиқ бўлгани учун ижтимоий жиҳат тил ва нутқнинг тузилмасига ҳар хил шаклда кириб боради, сўзларнинг маъноларига бевосита ёки билвосита киритилади. Кўриб чиқилган илмий адабиётлар асосида биз ижтимоий семантикага эга сўзларда ижтимоий компонент ошкора ифодаланмаган, балки лексик маънода яширин тарзда мавжуд деган хулосага келишимиз мумкин. Мазкур компонент фақатгина нутқда юзага келади, демак лексик birlik маъносининг прагматик жиҳатига киритилган. Кўпинча

сўзлардаги ижтимоий компонентлар “иерархик семалар” шаклида намоён бўлади ҳамда субъект ва адресат ижтимоий мавқеига нисбатан тасаввур шакллантиради.

Ижтимоий компонент лексема маъноси прагматик қатламининг қисми сифатида унинг мавқе ва таҳлил нуқтаи назаридан ноаниқ маъноли элемент ҳисобланади. Кўпинча сўзловчи ушбу элементнинг сўз маъносида мавжудлигини сезмайди ва фақатгина “Онам кечки овқат тайёрлигини эълон қилди” ёки “Мен хиром этдим ” каби гапларнинг нотўғрилигини сезади.

Айтиш лозимки, тилнинг луғат таркибида, хусусан, сўзнинг семантик структурасида аксар ҳолларда жамият таркиби ва тартиботига хос жиҳатлар у ёки бу даражада ўз ифодасини топади. Шунинг учун ҳам тадқиқотчилар сўз семантикасида ижтимоий компонентни фарқлаш лозимлигини айтадилар, ҳар бир тилда кишилар ўртасидаги турли шахсий ва ижтимоий мақомга дахлдор муносабатларни ифодалайдиган, шунингдек, шахс ва жамият ўртасидаги муносабатларни акс эттирадиган лексика мавжудлигини, бундай сўзларнинг лексик маънолари мазкур муносабатларнинг табиатига, яъни бу муносабатларнинг тобелик ёки тенглик асосида эканлигига ишора қилишини, ҳатто бундай муносабатларнинг акс этиши сўзларнинг бошқа сўзлар билан боғланишига муайян чекловлар қўйишини ҳам қайд этадилар [4:22].

Профессор Н.Маҳмудов социолингвистик таҳлиллار асосида бундай мулоҳазалар юритиш эътиборга молик эканини таъкидлайди ва мисоллар асосида фикрларини исботлайди.

Хусусан, буюрмоқ феъли таҳлилида бу феълнинг асосий маъноси “бирор ҳаракат ёки хоҳишни бажаришга, амалага оширишга кўрсатма бермоқ, мажбур қилмоқ” каби маъноларни ифодалаши тўғри, бироқ нотўлиқ эканини таъкидлаб, бу сўзга берилган тавсифларда сўз маъносидаги ижтимоий компонент ўз аксини топмаганлигини, яъни буюрувчи ва буюрилувчи ўртасидаги нотенглик – ижтимоий нотенглик кўрсатилмаганлигини қайд этади [4:22]. Чунончи,

“Тушликдан кейин устахонамга бош назоратчи бир қоп кийим олиб келди-да, шуларга то кечки овқатгача рақам ёзиб, тайёр қилиб қўйишимни буюрди” (С.Аҳмад, Сароб.), “Директор ўрнидан туриб, қабулхонадаги котибага Асрорни топиб келишни буюрди” (Т.Малик, Алвидо... болалик.) каби мисолларда ҳам буюрувчи ва буюрилиувчи ўртасидаги нотенгликни, яъни буюрувчи буюрилиувчига нисбатан юқори лавозимли шахс экани анлашилади.

Шунингдек, айрим феъллар семантикасида ижтимоий омилни ифодалашнинг шундай усули қамраб олганки, унда хабар адресатига бўлган ишора аниқ ижтимоий дифференциация, иерархия хоссаларига эга. Тадқиқ қилинаётган лексемалар семантикасида ушбу гуруҳ компонентлари анча кўп учрайди. Кўп ҳолларда уларни нутқ орқали хабар бериш феълларида (эълон қилмоқ, хабар бермоқ, етказмоқ) кузатиш мумкин. Кам ҳолларда нутқ адресати маъноси нутқ мурожаати (сўров юбормоқ, сўрамоқ) ҳамда нутқ орқали таъсир кўрсатиш (ташвиқот ўтказмоқ, сўроқ қилмоқ) феълларида намоён бўлади.

Нутқ адресати маъносида ижтимоий компонентлар гуруҳи бир неча маъно нозикликларига эга, булар – оммавий адресат, нутқ субъектидан ижтимоий мавқе юқори бўлган адресат ҳамда “ишбилармон” адресат.

Ижтимоий компонент оммавий адресатни билдиришда ифодаланган биринчи кичик гуруҳ эълон қилмоқ турдаги феълларни ўз ичига олади. Оммавий адресатга узатиладиган хабар одатда гуруҳнинг ҳар бир аъзосига етказилиши керак бўлган муҳим маълумотларни ўз ичига олади: буйруқ, қонун, таълимот ва ҳ.к. Масалан, эълон қилмоқ – “умумий маълумот учун”, хабар бермоқ, фикр билдирмоқ – “ошкора, халқ олдида фикр билдирмоқ”, оммага ошкор этмоқ – “умумий маълумот учун, кенг оммага танитмоқ”. Бундан ташқари оммавий адресатга билвосита ишора қилиш ҳолатлари ҳам бўлиши мумкин, хабар бермоқ феъли “ижтимоий аҳамиятга эга тадбир, воқеа, ҳаракат” тўғрисида хабарни кўзда тутса, демак, тадбир жамият учун аҳамиятли бўлса, у ҳолда мазкур нутқнинг адресати омма бўлади.

Адресатнинг юқори ижтимоий мавқега эга эканлигини билдирувчи маъно бўёқдорликлари иккинчи кичик гуруҳи етказиб бермоқ, ҳисобот бермоқ ва ҳ.к. лексемаларни ўз ичига олган.

Бу турдаги сўзларда ижтимоий компонент бевосита лексемани талқин қилишда ўз аксини топган ва қуйидаги вариантларда ифодаланиши мумкин: ҳисобот бермоқ – “раҳбариятга, юқорида турга шахсга”, ариза бермоқ – “бошқарув органларига”, етказиб бермоқ – “ҳокимиятга, раҳбариятга”. Мазкур гуруҳ феълларининг реал қўлланилиши уларнинг маъносида адресатнинг юқори ижтимоий мавқега эга эканлигини билдирувчи компонент мавжудлигини тасдиқлайди: “Қайтганидан кейин ҳам унга учрамай, Маматбей қўноқ тутган жойга келиб, ҳисобот берди”, “У ёрдамчи сўраб, икки марта директорга ариза берди” (Ўзбек тилининг миллий корпуси).

Шартли равишда “ишбилармон” адресат деб ном олган гуруҳдаги лексемаларда шахснинг доимий мавқеи эмас, балки унинг вақтинча ҳолати белгиланиши кўзда тутилади, бунинг натижасида у феъл томонидан билдирилган ҳаракат адресатига айланади. Ушбу кичик гуруҳга сўроқ қилмоқ, сўров юбормоқ, ҳисобот бермоқ каби сўзларни киритиш мумкин. Ушбу сўзларни изоҳлашда мазкур маъно тури дифференциал сема орқали ифодаланади ва одатда адресатнинг конкрет ролини билдиради: сўроқ қилмоқ – “тувоҳни, айбланувчини сўроқ қилмоқ”, сўров юбормоқ – “масъул шахсга, ташкилотга”.

Юқоридагиларни барчасини умумлаштирган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, феъл семантикасининг ижтимоий компоненти нутқ адресатларининг ҳар хил турини белгилаши ва сўз талқинида дифференциал сема орқали бевосита акс эттирилиши, шунингдек, феълнинг луғавий маъноси тузилмасида яширин ҳамда коннотациялар даражасида ифодаланиши мумкин.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ: (REFERENCES)

1. Карасик В.И. Язык социального статуса / В.И.Карасик. –М.: ИТДГК

“Генезис”, 2002. -333 с.

2. Ковязина Н.В. Социальная семантика в высказываниях со значением движения и местоположения в современном русском языке: автореф. дис. ...канд. филол. Наук / Н.В.Ковязина; Сибир. федер. ун-т. –Абакан: [б.и.], 2013. -23 с.

3. Крысин Л.П. Социальная маркированность языковых единиц / Л.П.Крысин // Современный русский язык: социальная и функциональная дифференциация. –М.: Языки славянской культуры, 2003. – С. 95-100.

4. Маҳмудов Н. Тил сиёсати ва сиёсат тили / Ўзбек тили ва адабиёти. 4-сон. –Тошкент, 2016. –Б. 16-29.

